

ТИЛ МАСАЛАСИ

Туркчанинг шуъба ва шох(а)лари бўлган ўзбек-чигатой, тотор, озарбайжон, козок ва туркман лахжалариндаги янги матбуотнинг энг ахамиятлики масалаларидан бири, албатта, шева, лахжа, имло масалаларидур. Юкоридаги лахжаларга сўйлайтургон турк болалари бир-икки минг санадан бери Эрон халкининг аларга ва ё аларни эронийларга истило этганлари сабабидан форс маданияти ва адабиёти ва лугатлари нуфузига махкум бўлуб, форс тилидан бир хейли лугат ва жумлаларни хошу нохох абадий ва доимий суратда олганларки, у жумла ва лугатлардан бир кисмини туркий лахжалардан чикориб ташламок гўё мумкин эмасдур. Ва бир кисмини муродифи туркчадан топилмаслик даражада гойиб бўлгандур.

Балки... биз туркчага бугун истеъмом килинатургон баъзи форсий сўзларимизни мукобил ва муродофи халк тилидан ва адабиётидан йўколгандур. Масалан, шанба, якшанба, душанба, сешанба, чахоршанба, панжшанба, одина кунларининг оти каби... Хол шундай экан, яна юкоридаги туркий лахжаларнинг халки ўн икки асрдан бери дин манбаимиз ва Куръони карим тили бўлган арабийнинг нуфузига учраб, табаррукан ва мажбуран кўп лугат ва жумлаларни янадан олдилар. Ва баъзи ифротпарастлар тарафидан янгидан букунгача яна олинмокдадур.

Туркларнинг баъзи тоифаси форсий ва арабийни у кадар кўп олдиларки, тиллари туркий, форсий ва арабийдан кўшулуб, «усмонли тили» аталди. Ушбу уч тилни адабиёт ва коидаларидан бохабар бўлмагунча усмонли шевасинда ёзмок мумкин эмасдур. Усмонли шевасига ёзатургонларда охирги саналарда ўз сахвларини билиб, форсий ва арабийсини озрок айтиб ёзмокдадурлар. Азбаски, усмонли шевасинда ёзилган асарларнинг аксарини усмонли туркларнинг камсаводи англамайдур. Турк кавмининг Кафкоз, Эрон ва Киригдаги кисмларининг тилига арабий ва форсий жумлалар усмонличадан кўра хейли оз бўлуб, аммо туркий тилларнинг бошка шеваларидан кўра усмонличага энг якинидур. Чунончи, букунги Кафкоз ва Кирим матбуотининг ўкуб англайдургон киши усмонличани, албатта ўкуб фахмлайдур. Чунки орасиндаги фарк жуда оздур. Хусусан, охирги саналарда арабий ва форсийларини озайтуруб ёзилган усмонлича ва ёинки туркча Кирим ва Кафкоз шевасидан оз фаркликдур.

Тоторча ёинки нўгойча аталатургон шевага келсак, Кирим ва Кафкоз шевасидан кўра оз арабий ва форсийлик бўлуб, бовужуд шул бу кунги тотор матбуотининг ҳеч бир стунни, балки ҳеч бир сатри хати форсча ва ё арабчадан кутулолмайдур. Хатто, сирфи тоторча ёзмок тарафдори бўлган матбуот ва мухаррирлари-да, арабий ва форсийсиз бир нимарса ёзолмайдурлар.

Келайлук Туркистон ва ёинки Осиёи Васати халкларининг тил ва шеваларига: Туркистоннинг ўзига тегишли шеваси турк тилининг чигатой лахжаси бўлуб, «Навоий» китоби бу лахжанинг гўё мухим китобидур. Аммо кўпдан бери Туркистонда маданият ва салтанат ва адабиёт таданний этгани учун халк бу лахжани бузганлар. Бузмок нари турсун, Туркистоннинг хар бир шахарининг ва хатто, баъзи бир касаба ва кўйларининг

шеваси бошқадур. Масалан: анда, мунда, шундани — ул ерда, бул ерда, шул ерда; ўтда, бўтда, шўтда; этта, бетта, шетта; ўрда, бўрда, шўрда; ўра, бўра, шўра кайфиятинда сўйлайдурган шахарлар бўлуб, мундай бузук сўзларни навъи ва адади жуда кўпдур. Туркистон туркчасига форсий ва арабийни кўшулгани хам барча ерда бир холда бўлмай, балки мавқеъи жугрофиясига караб хар навдур. Чунончи, Бухоро аморати ва Самарканд вилоятининг туркча тилига форсий ва арабий кўб кўшулгандур...

Фаргонанинг Хўканд ва бошка шахарларида хам форсий ривожда бўлуб, уламо ва машойихни форсийга майли кўпдур. Табиийдурки; форсий кўб ёйилган ерларда арабийни хукми зиёдадур. Форсчани хукми Тошканд шахри ва Сирдарё музофотига озайиб, форсий билатурган киши, эхтимол, мингда бир хам топилмаса. Фаргона вилоятининг Хўканд ва бошка шахарларинда букун форс тилинда ерли шоирлар-да мавжуддур.

Хўканд хони Умархон жанобларининг «Девони Умар-хон»ига форсий абётлар иншод килингонига караганда кадимдан бери Фаргонада форсий тилни жорийлиги маълум бўлур.

Туркистон шаркида форсийнинг хукми озайиб, бовужуд шул уламо орасида оз бўлса-да, сўйланур. Туркистон жануби ва Туркистони Афғонийга бўлса, туркий ва форсий тили гўё баробардур. Туркистоннинг Мовароуннахр, Хазар кисмига аксарият ила туркман шеваси хукмфармо бўлса хам, Эрон ва Афғонистон ва Бухоронинг хамсоалиги сабабидан яна форсийнинг нуфузидан кутулуб бўлмайдур. Хивага келганча, мунинг тили яна усмонличага якин бўлуб, факат арабий ва форсий кўшимчалари оздур. Хулоса шулки, нафси Туркистон, Бухоро, Хива, Туркистон Афғони ва Кошгар ўлкалариндаги туркча шеваси дохилан ўн кадар бузук ва тузук лахжага айрилиб, аммо бу лахжа ила сўйлайтургонларнинг хар бири бошқасини сўзига тушунадурлар. Китобатга келсак, букунгача Туркистон, Бухоро ва Хивада хар ким ўз лахжасига мувофик ёзса хам, бир-бирига қарибдур. Чунки котибларни муаллимлари мавжуд туркча ва форсча назм ва наср китоблар бўлуб, Бахри Хазардан то Кошгар ва Туркистон Афғонигача кадим мактабларда «Навойи», «Фузулий», «Саботул ожизин», «Хикмат», «Хувайдо» ва бошқалари, форсийдан «Чахор китоб», «Хожа Хофиз», «Бедил», «Саъдий» ва бошқалари ўқулурки, бу китоблар ахли саводни тил бирлигига сабаб бўлур. Аммо авомларни сўзи тахти тахрирга кирмайдир.

* * *

Аввалги маколада туркча тилнинг ахамиятлик шўъбаларини кискалик билан ёзиб эдим. Энди тилни бутун соддалаштуруб индурмок ва ёинки адабийлаштуруб тараккий килдурмокдан бетарофона ёзарман.

Матбуот майдонига биздан мукаддам отилган ва дўстлар ила жариди ва мажаллаларга сохиб бўлган ичкари Русия ва Кафкоз мусулмонларини матбуот тили ва хам кўча тилига диққатлик кишига маълумдурки, матбуотлари кўча тилидан неча даража олийдур. Ва кундан-кун яна олийлашмоқдадур. Ўрам тили тарафдори ёинки содда тил тарафдори бўлган баъзи тотор матбуоти йилдан йилга адабийга айланмоқдадур. Масалан, «Вакт»,

«Шўро», «Юлдуз» жаридаларининг аввалгилари ила хозиргисини тафтиш килинса, хозиргиларини адабийлиги зохир бўлур. Кафкоз матбуоти аввалдан адабий бўлуб, ўн саналардан бери матбуот, когаз устиндаги адабий тилни, халкни тил ва сўзига таъсир этиб ўткардики, бул ўшал вилоятларда диккат этганларга маълум бўлур.

Хеч бир фирка ва ё лахжанинг авом тили матбуотга кирмайдур. Кирса-да, мактаб рисоаларига ва фанний китобларга кирмайдур. Азбаски, фанний, адаб, таълим, тарбия ва диний китобларни сирф авом тилига ёзмок мумкин эмасдур. Хатто, бу замонда фан ва хунар тараккий этгани учун ва янги чикгон бегона лугатдаги исмлиқ нимарсаларга туркий исм такадургон жамиятлар барпо этиб, туркий тилимизга хизмат этатургон кишиларни бизга йўклиги учун бегона тилдаги исмлар ила кўп нимарсаларни ёзмокга мажбур бўлармиз. Хатто, мундан тараккий этган миллатлар-да кутулган йўк. Масалан, арабий илм «Алжабр»ни букун тараккий этган миллатларда «Алжабр» ва аларда «ж» йўклиги(дан) «Алгебра» дерлар.

Бу тил масаласи Русия мусулмонлари матбуотига бир хейли бахс бўлуб, фаалан ва амалан авом тили ва ёинки содда тил тарафдорларини мағлубияти ила натижаланмоқдадур. Бизнинг Туркистон матбуотида, табиий, бу масалани бошидан ўткарур. Шунинг натижаси ва навбати бўлуб мўътабар «Садойи Туркистон» рафикимизда тил масаласи маколалари ёзилмоқдадур. Баъзи афандилар мехмонни «кўнок» дейилсун деб таклиф этарлар. Холбуки кўнок деганда, бир турк фахмлайдур. Мехмон деганда, турк фахмлагани устида, яна бир форсий мусулмон кариндошимизда англайдур. «Тилимиздан форсий ва арабийни кувайлук», бу кўп енгил орзу, аммо ижроси мумкин эмас орзулардандур. Масалан, мунинг тарафдори бўлган мўътабар «Садойи Туркистон»ни «Турк эли довуши» лозим бўлур. Туркистонни «Турк эли» ёхуд «Турк ери» ёзмок керак бўлур.

Тошканд, Хўканд ва бошка минглар ила жугрофиёвий исмларни ражоли тарихия ва ёинки тарихий воқеаларни махаллий ва машхур одамлари ва ой хам йили, куни ва ...ларигача тағйир бериб, туркий исмлар токиб, аларга, янги лугатлар тайёрлаб, янгидан тадвин этмок лозим келур. Ва ўшал холдагина турк тилини арабий ва форсий лугатлардан ажратиб бўлурки, мунга хама ишни кўюб, хамма бирдан харакат этса, эхтимолки, бир неча юз саналарда хаёлан зўрга воқеъ бўлса. Холбуки, бул, ижроси мумкин эмас курук хаёли фосид-гинадур.

Бир неча минг санадан бери форсий ва араб тили ва маданияти ва салтанати таъсири остида колган туркийни яна бир неча минг санада буларни таъсиридан чикармок нари турсун, балки маънан ва моддатан ва фаннан махкум миллатларни тили бўлган тилимизга яна тараккий этган миллатларни лугатлари хужум этар.

Туркистон халкининг мактаб ва мадрасасиндаги китобларга, жариди ва мажалласиндаги маколаларга сирфи форсий ва арабийни кўймас тарафдори кишиларни ўйловларига, тўгриси, шошармиз.

Масалан, мактаб, мадраса, жариди, мажалла, китоб — хаммаси арабники. Исминимизни ўндан тўккузи арабий. Энди, бу ниҳоясиз нимарсаларни хаммасига туркийдан исм

охтарибми, дунёдан ўтармиз?

Мухтарам А. Музаффар афанди 63-ракам «Садойи Туркистон»да хандасадаги арабий истилох ва исмларга туркий мукобиллар кўрсатурлар. Анга караганда, хандасани ўзига «андоза» форсийнинг муарраби ва ёинки бузулгонидур. Анга ҳам туркча ва барча улум ва фунун ва Куръонга ҳам туркча исм кўймок лозим келур. Холбуки, баъзи бир нимарсани исми, лугатан мусаммасининг маъносига далолат килмай, аммо истилохан, таълиман ва тарихан ва ёинки замонан анга исм ва алам бўлуб колгандур. Чунончи «вохид киёси» маънойи фаннийсини «солиштириш ўлчови» адо этмайдур. Бўлса-бўлмаса, бу бир истилох бўлуб, «солиштириш ўлчови», яъни вохид киёси дейилмагунча фахмланилмас. Авом учун бу сўзлар ёзилатургон бўлса, ул иккисини-да фаххламайдур. Агарда мактаб талабалари учун бўлса, Туркистонда йўк туркий хандаса китобимиздан мукаддам бир-да лоятинохо янги истилохи туркия лугати чикормок лозим келур.

Фикримча, бу ўйловлар фазладур. Тўғридан-тўғри демок керакки, бакадри имкон арабий оз ёзулсун. Арабий исмлик нимарсалар жамланганда, туркча жамлансун. Масалан, улум, фунун, уламо, куззот ва ...демок еринда фанлар, илмлар, олимлар, козилар ва... лар ёзингиз. Ёинки мўътабар «Садойи Туркистон»нинг 64-ракаминдаги «Тил масаласи»да «Курраи арзда яшамакда бўлган хар миллатни ўзига махсус бир лисони миллийси вордур» жумлаларни бир оз туркча ёзмок кераклигига машварат бермок лозим. Аммо бутун фанний ва илмий ва диний истилох ва иборатларга мукобил туркчадан исм таъйин килмок фикрига чўммок ўзни чарчатиб ва матбуотни зоеъ килмокдан бршка нимарса эмасдур.

«Тил масаласи» мухаррирларидан бири дер: «Тиллар замон ила ислох бўлур, бирдан ислох этилмаслар». Содда тил нима учун керак? Атрофиндаги кавму кариндоши илан сўйлашмок учун. Адабий ва илмий тил нимага керак? Мавжуд илму фан ва тарихни билмок ва алардан фойдаланмок учун. Энди бизга лозимки, атроф, яъни теварагимизни адабийлаштурсак, мунавварлаштурсак, яъни илму фан ила ёрутсак. Илму фан бўлса, бизни тилга тобеъ бўлмай, балки бизни ўзига жабран тобеъ этар. Энди бу содда тилни бизни хар кишлок ва махаллада бир-биридан фарки бордур. Аммо илмий ва адабий тилни хар бир кишлок ва кўйдаги оналарни тилинда бўлмоклиги ва алардан бошланмоги мумкин эмасдур. Оре, англис ва франсуз оналари ва ва ўкугон рус ва усмонли оналарини(нг) тили матбуот ва мактабдаги адабий ва илмий тилни айни ва худ ўзидур. Аммо алар бир неча юз санадан бери, кориндан корингача ўкуб келган оналардур. Бизни мазлум оналаримиз батанан баъд батан[1] ўкумай келганлар. Энди у мазлумларга хандасанинг туркча истилохларини ютдургон ила она тили бўлуб туруб, аввалан ул онани ўзига англашилмайдур. Модомики, бизга илму фан керак ва модом(ики), турк тилининг баъзи шўъба ва лахжаларига замоний, фанний, диний, тарихий хар навъ китоблар бордур. Ани ўкуб фаххламокига гайрат этишимиз лозимдур. Масалан, Кафкоз ва Кирим лахжасини билатургонлар бу кунги дунёмизда мавжуд аксар, балки хама илму фанларни туркча тилда билурлар.

Дунёмизни илму фанидан хабардор бўлмок учун рус, немис, франсавий, англис, итолиёли, арабий, жопуний тилларидан бирини билмок керак ва аларни билмаганда

Кафкоз ва ё Кирилм лахжаи адабиясини билган кишини дунёдан хабарлик бўлушига восита бўлур. Аммо кадим чигатойча, мўгулча, ўрхўнгча ва сахройи тилларни тиргузгон ила на фойда? Ва у тилларга каю илму фанлар бор? Хозирги сўзимизга кўшулган форсий ва арабий сўзлар бизни арабу форсга бир даража якин этар. Илму фан китобларига якинлашмокимизга восита бўлур. Баъзи биродарларимизни соф она тили бор. Аммо она тилида мактаб, мадраса, фанний ва илмий китоблар таъсис этолмайдурлар. Чунки сўз етишмайдур. Агарда алар тараккий этса ва маданий бўлса, хукман хозирги тилни ўзгартириб бўлур. Хамда минг йил аввалги тилга кайтмок конуни табиатга мухалифдур. Чунки мозийга ружуъ мумкин йўк. Бегона тилдан сўз олмокдан кутулган тил йўкдур. Англисчани арабчадан сўнгра энг бой тил дерлар. Маа фихи, ўн минглар ила бегона лугатларни мажбуран олганлигини ёзарлар.

Хулоса фикримиз шуки, ялгуз туркча сўйламак ва ёзмок абадан мумкин йўк. Бакадри имкон арабий ва форсийни оз ёзайлук. Барча илму фан истилох ва лугатларига туркчадан мукобил охтариб вақтни зое этмайлук. Тараккий этган туркий шевадаги илмий ва фанний китобларни англамокга саъй ва гайрат этайлук. Келар замон учун хозирланайлук, ўтган замон учун эмас. «Она тили, она тили», бу яхши орзу. Аммо тилсиз оналар тилига мактабий китоблар ёзила берса, Туркистонда ададсиз бузук она тиллар шевасига ададсиз китоблар ёзмок лозим келурки, Андижонда ёзилгани Бухорода, Авлиёотада ёзилгани Каршида англашилмайдур. Чунки бу оналарни тили бир-биридан фаркликдур. Тараккий этган миллатлар оналари ўкутар экан, биз аввал онамизни ўкутуб, анга тил ўргатмокимиз керак. Чунки бизни илм ва тилсизлигимиз алардандур. Бинобарин, бакадри имкон оз арабий ва форсий, оддий, туркий лугат ила хозирги шеваларча ёза бермокдан бошка илож йўкдур.

«Ойна» журнали, 1915 йил, 11—12-сонлар. 274—277, 306-311-бетлар.

[1] Батанан баъд батан — авлоддан авлодга.